

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI

FARMATSEVTIKA
TARMOG 'INI RIVOJLANTIRISH
AGENTLIGI

100084, Toshkent shahri, Chingiz Aytmatov ko'chasi, 1 "a"
Tel.: (998 71) 234-06-04 Faks: (998 71) 235-06-73
e-mail: farmagentlik@minzdrav.uz, uzfarm@inbox.ru



MINISTRY OF HEALTH OF THE
REPUBLIC OF UZBEKISTAN

AGENCY ON DEVELOPMENT
OF THE PHARMACEUTICAL
INDUSTRY

1 "a" Chingiz Aytmatov str., Tashkent, 100084
Tel.: (998 71) 234-06-04, Fax: (998 71) 235-06-73
e-mail: farmagentlik@minzdrav.uz, uzfarm@inbox.ru

2020 й. «18» 11

№ 25-20/3702

«__» 2020 г.

**Дори воситалари ва тиббий буюмларни
улгуржи ва чакана реализацияси билан
шуғулланувчи барча тадбиркорлик
субъектлари раҳбарларига**

КЎРСАТМА ХАТ!

Ўзбекистон Республикаси чет эл фармацевтика компания ва ишлаб чиқарувчилари ваколотхоналари уюшмасининг 2020 йил 4 ноябрдаги 04-11/20-сонли, ваколатли назорат қилувчи органларни огоҳликка чақирувчи мурожаатини кўриб чиқиб, республика ҳудудида қалбакилаштирилган ва контрабанда фармацевтика маҳсулотлари муомаласини (шу жумладан электрон тижорат орқали) олдини олиш мақсадида қуйидагиларни маълум қиламиз.

Афсуски, ҳозирги кунда ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органлар, ваколатли назорат қилувчи органлар ва жамоат ташкилотлари томонидан олиб борилаётган профилактика ва назорат тадбирларига қарамай дорихоналар ва айрим ижтимоий тармоқлар (сайт, мессенжер ва б.) орқали қалбакилаштирилган, контрабанда ҳамда рецепт асосида бериладиган фармацевтика маҳсулотлари реализация қилиниш ҳолатлари аниқланмоқда.

Шу ўринда, Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 4 январдаги “Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисидаги” Қонунининг 19-20-моддаларига мувофиқ, сифатсиз, қалбакилаштирилган, Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилмаган дори воситаларини ва тиббий буюмларни, шунингдек Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган дори воситаларининг ғайриқонуний нусхаларини харид қилиш ҳамда улгуржи ва чакана реализация қилиш тақиқланганлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги 185-сонли қарори билан тасдиқланган, “Дори воситаларини ва тиббий буюмларни чакана реализация қилиш тартиби тўғрисида низом”га мувофиқ, электрон

тижорат орқали фақат рецептсиз бериладиган дори воситалари ва тиббий буюмларни реализация қилиш, сақлаш ва етказиб беришда уларнинг хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, ҳужжатли ва электрон расмийлаштириш тартиби ва талабларига қатъий риоя қилган ҳамда қонун ҳужжатлари талабларини инобатга олган ҳолда амалга оширишга рухсат этилганлигига алоҳида эътибор қаратишингизни сўраймиз.

Юқоридагиларга асосан, Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги сизни мазкур қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилган тақдирда лицензияни амал қилишини тўхтатиб туриш ва тўхтатиш чораларини қўллаши ҳақида **огоҳлантиради.**

Директор



С.Кариев

